

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 21-iyun, shanba № 49 (15791)

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

## ЎН ИККИ ЙИЛЛИК ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛИ

### КЎШНИМИЗНИНГ НАДОМАТИ

Хар сафар қишлоққа борганимда кўшнимиз Ўқтам ака уйига чақириб, меҳмон қилади. Дастурхон атрофида бутун оила аъзолари тўпланади. Бир пиёла чой баҳона дилдан суҳбат курамыш.

Ўқтам ака оддий ишчи бўлишига қарамай дунёқараши кенг, замон билан ҳамнафас яшашга ҳаракат қилади. Гап аввалида қишлоғимиздаги сўнгги воқеликлардан бирмабир сўзлайди. Сўнг «Сиз, мана, пойтахтимизда ишлаяпсиз. Юртимиз ҳаёти, сўнгги янгиликлардан хабардорсиз», дея мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳақида сўрайди. Саволларга билганимча бажонидил жавоб берман. Суҳбат қизийди. Гап орасида ўзининг ўқий олмаганидан, бунга шароит ҳам, маънавий рағбат ҳам бўлмаганидан куюнади.

— Бизга вақтида «Ўқи, касб-хунар ўрган, дейиш ўрнига колхозда ишла, устинг бут, қорнинг тўқ бўлса бўлди-да», дейишарди. Уша вақтларда мактабни тамомлаган минглаб ёшларнинг маълум фоизинигина олий таълим муассасаларига жалб этиш имконияти бор эди. Устига-устак, вилоят марказлари ва пойтахтда жойлашган бу муассасаларга ўқишга кириш ўқувчининг фақат билимига боғлиқ бўлмасди. Санокли техникум ва халқ тилида «ПТУ» деб аталувчи ўқув даргоҳларида эса етарлича таълим бериш ўрнига ўқувчилар турли ишларга оммавий жалб қилинарди. Уларнинг тарбияси, касб-хунар ўрганишига деярли эътибор қаратилмасди. Шу сабаб далада меҳнат қилишга мажбур эдик, — дейди Ўқтам ака. — Бугун эса ҳар бир туманда икки-уч коллеж, лицей. Барчаси замонавий жиҳозланган. Яхши таълим оламан, деганга компьютер дейсизми, ўқув лаборатория асбоб-анжомлари дейсизми, ҳаммаси муҳайё. Шунга қарамай, баъзи ота-оналар фарзандини тўрт қадам наридаги ўқув муассасасига жўнатгиси келмайди. Боласининг у ер-бу ерда ишлаб, тўрт-беш сўм топиб келишини афзал билади. Тушунмайман. Ўзи, ўзи бўлмаса ака-укаси, таниши бир вақтлар ўқишга қираман ёки хунар ўрганаман, деб шаҳарма-шаҳар кезганини, ўқийман, деб

қанча азоб-уқубат тортганини наҳот эсдан чиқарган бўлса? Наҳот, ўша даврларни бугунга қиёслаб, керакли хулоса чиқармаса?

Ҳа, истиқлолгача ёшлар тақдирига муносабат бугунгидек эмасди. Уларнинг келажаги, жисмининг саломатлиги-ю маънавиятининг бойиши, ақлий салоҳиятининг юксалиши-ю бирор касб-хунарнинг этагидан тутиши, орзу-истакларининг рўёбга чиқиши учун ҳеч ким жон куйдирмасди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг «Юсак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган маориф тизимининг энг номаъқул томони шундан иборат эдики, унда ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ва эркин фикрлашига йўл қўйилмас эди. Хар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билимига қараб эмас, аксинча, уларнинг собиқ совет тизими ва сохта гоёларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Кўп ҳолларда сифат ўрнига сон кетидан қуввиш устунлик қиларди. Аксарият ёшлар ҳақиқий билим ёки малака ортириш мақсадида эмас, кўпроқ амалда дипломли бўлиб олиш илнжиди техникум ёки институтларга кирар эди.

Ушбу ҳолатлар жамиятда олий маълумоти бўлмаган, ҳатто бирор касб-хунар мутахассислигини эгалламаган ёшларнинг кўпайишига сабаб бўларди.

### ИСТИҚЛОЛ – ИСТИҚБОЛ

Президентимиз Самарқандда ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидидаги роли ва аҳамияти» мавзудаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқиди мустақиллигимиз ва суверенитетимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўтмишда шакланган таълим тизимини тубдан ислоҳ қилмасдан туриб, эски коммунистик мафқуранинг қолип ва ақидаларидан бутунлай воз кечмасдан, ёшларнинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамламасдан туриб янги жамиятни барпо этиб бўлмайди, деган қатъий хулосага келинганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)



6-бетга қаранг

Рустам Назарматов олган суратлар

«Kamolot» loyihalari

## 1360 ТА ЖАМОАНИ БИРЛАШТИРГАН КУБОК

20 июнь, соат 17:30 пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионига ошиқайтган футбол мухлисларининг охири кўринмайди. Барчаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Kamolot» кубоги мусобақасининг финал учрашуви ҳамда футбол-шоуга шошилмоқда...

Яшил майдонга «Kamolot» кубоги»нинг финал ўйини иштирокчилари — Олмазор политехника касб-хунар коллежи ҳамда Жиззах туман маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи жамоалари чиқиб келди.

Муסיқа садолари ва олқишлар билан кутиб олинган жамоалар бош соврин — «Kamolot» кубоги учун тўп суришга шай. Олий тоифали ҳакам Дмитрий Пислегин хуштаги билан ўйин бошланди. Оққизил рангдаги либосда Жиззах туман маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи жамоаси, Тошкент шаҳридаги Олмазор политехника касб-хунар коллежи жамоаси эса яшил либосда.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича илк бор ўтказилган «Kamolot» кубоги республика мусобақаси «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда «Пахтакор» профессионал футбол клуби ҳамкорлигида амалга оширилди.

(Давоми 8-саҳифада)

# ЎН ИККИ ЙИЛЛИК ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛИ

(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

Шу асосда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш тизимлари тубдан ислоҳ қилинди. Ёшлар онг ва дунёқарашини бойитган, маънавиятни юксалтирган бу ислохотлар бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлаши асосида амалга ошди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури қабул қилиниб, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Ушбу моделнинг принципал хусусияти шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган икки-уч мутахассислик бўйича касб-хунарларни ҳам эгаллайди. Фарзанднинг 12 йиллик таълим олишини таъминлаш, бунинг учун барча шароитларни яратиш бериш ҳар бир ота-онанинг фуқаролик бурчига айланган.

Президентимиз юқорида қайд қилинган халқаро конференциянинг очилиш маросимида бу ҳақда меҳмонларга қарата «Мен сизларнинг ана шу лицей ва коллежларни — бу Самарқандда бўладими, Тошкентда бўладими, олис шаҳар ва туманларда бўладими — ана шу ўқув юртларини албатта бориб кўришингизни истардим. Бу коллежлар энг юксак замонавий талаблар асосида бунёд этилган ва барча жиҳозлар билан таъминланган. Биз энг замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида 1500 та ана шундай коллеж ва лицейлар барпо этдик. Илгари хорижлик меҳмонларга экзотика намуналарини кўрсатардик. Бугун эса уларга болаларимиз қандай ўқиётгани, уларга қандай замонавий шароитларда билим бераётганимизни, қандай авлод вояга етаётганини кўринг, деймиз» дея фахр билан сўзлади.

Дарҳақиқат, Лиссабон университети (Португалия) проректори Тереза Сид хоним юртимиздаги таълим тизими билан танишгач, «Мамлакатин-

гиз таълим тизимида мени ҳайратга солган жиҳатлардан бири таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлигидир... Португалияда таълим тизими хусусий мактаб ва университетлардан иборат. Ўзбекистонда давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлигига ҳавас қилмасдан бўлмайди. Чунки давлатга қарашли мактаб ва олий ўқув юртларида таълим бериш даражаси ва сифати хусусийларга нисбатан анча юқори ва ишончлидир», дея ҳайрат ва ҳавасини яширолмади.

Ҳозир мамлакатимиздаги коллежларда таҳсил олаётган ёшларимиз замонавий билимларни пухта ўзлаштириш, икки-уч касб-хунар мутахассислигига эга бўлиш билан бирга, компьютер ва ахборот технологияларини, хорижий тилларни ҳам ўрганмоқда. Ўқув даргоҳи, ўқувчи ҳамда турли ишлаб чиқариш қорхоналари ва ташкилотлар ўртасида тузилаётган уч томонлама ҳамкорлик шартномалари таълимда назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш, битирувчини иш билан таъминлашни кафолатлаётир. Бу «Бугунги кунда энг кўп талаб қилинадиган ва ўзини энг кўп оқлайдиган сармоя — инсон капиталига йўналтирилган сармоя» экани борасидаги пурмаъно ҳикмат нечоғлик ҳаётий ҳақиқатлигини кўрсатмоқда.

## ЯНГИЛАНАЁТГАН ТАФАККУР: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Ҳар қандай жамятда иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни, мулкчилик шакллари бир қадар тез ўзгариши, бу борада янги қонунлар қабул қилиб, туб ислохотлар ўтказиш мумкин. Бироқ ҳар доим ҳам ўша янгиланишларга одамларнинг муносабатини, уларнинг бу борадаги тафаккури, кўникмалари, урф-одатларини дабдурустдан ўзгариши бўлмайди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида барча соҳаларда амалга оширилган инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган туб ислохотлар вилоят, туман марказларидан тортиб энг чекка ҳудуддаги қишлоғу овулларгача кириб борди. Айниқса, таълим соҳасидаги ўзгаришлар юртимизнинг барча ҳудудларида

янгидан қурилаётган ёки тубдан реконструкция қилиниб, замон талабларига мослаштирилаётган мактаб, коллежу лицейлар, замонавий спорт иншоотлари мисолида ўз аксини топмоқда. Ушбу бунёдкорликлар негизда ўғил-қизларимизнинг билим ва дунёқарашини бойитиш, уларни жисмонан ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш, келажаги учун асқотадиган турли касб-хунар сирларидан хабардор этишдек эзгу муддао ётибди.

Аммо ушбу ислохотлар, уларнинг негизда ётган улғ мақсадларни англаш, идрок этиш баъзи юртдошларимиз онгида оғиркарвонлик билан кечаётгани ҳам бор гап.

Орамизда мактабни тамомлаган ўғлининг эртанги истиқболи ҳақида қайғуриш ўрнига «Фарзандимиз тўққиз йил ўқиди, бўлди-да. Ўқиган билан шаҳар олиб берармиди? Унинг ўрнига ишласин: тўрт-беш сўм пул топса, оила бюджетига ёрдамлашган бўлади», ёки «Қиз бола — бировнинг хасми, ўқиган билан фойдаси йўқ, барибир уйда ўтиради, унинг бахтини бойламай, бирортасига узатиб, тезроқ қутулайлик», дея саёз фикрлаётган ота-оналар ҳам, афсуски, учрайди.

Ахир, мактабни тугатиб, фақат умумтаълим фанларига оид умумий билимларга эга бўлган ўғил-қиз мустақил ҳаётга қандай тайёр бўлсин?! Улар ўз мустақил фикри, бирор соҳага доир кенг қўламли билимларга эга бўлмаса ёки бирор касб-хунарнинг этагидан тутмаса, келажак ҳаёт йўлида учрайдиган катта-кичик тўсиқлардан қандай ўтади?!

Эндигина ўн олти ёшга кирган ўғил ё киз оила қуриш учун ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр бўладими? Улардан ҳар томонлама соғлом фарзандлар дунёга келадими? Улар оила аталмиш муқаддас аҳдлашувнинг моҳиятини нечоғлик англашади?

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ўн олти ёшли ўсмир руҳияти тез ўзгарувчан бўлади. Унда баъзан ҳаёт синовларига бардош, уни енгиш учун қатъият етишмайди. Шу билан бирга, келажаги учун нима кўпроқ муҳиму нима унчалик аҳамият касб этмаслигини теран мушоҳада қилмаганидан осон пул топишга уринади. Унга бу пайтда тўғри йўл-йўриқ берилмаса, бўш вақтини қандай ўтказётгани назорат қилиб турил-

маса, турли эгри йўлларга кириб кетиши ҳеч гап эмас.

...Бир танишимнинг айтишича, синфдоши Акмал мактабни тугатгач, пул топиш илинжида яқинларининг панд-насихатига қарамасдан кейинги босқичдаги таълимни давом эттирмаган. Улар яқинда учрашиб қолишибди. Синфдоши унинг мактабни тамомлагач, академик лицейда, сўнг олий таълим муассасасида ўқиб, ҳозир юртимиздаги нуфузли банкларнинг бирида ишлаётганига жуда ҳавас қилибди. «Мен ҳам лицейда ўқиганимда, ҳозир сендек катта-катта ютуқларга эришган бўлармиди?», дея бундан ўн йил олдин узоқни ўйламасдан чиқарган қарорига афсус чекибди. «Акмалнинг аввалги шунқорлигидан асар ҳам йўқ, ёшига нисбатан тез сўлиққан, ишидан зада бўлганини сездим. Бу унинг вақтида келажак пойдеворини тикламаганидан, яратилган шароитлар қадрига етмаганидан, ношукрлигидан», дея хулоса қилди танишим.

Биз дунё тамаддунига бешик бўлган юрт фарзандимиз. Улғ аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини бутун жаҳон эътироф этади. Аммо шуни эсдан чиқармайликки, ўша буюк аждодларимиз ўз даврида илм олишга алоҳида эътибор қаратган, ўзидан яхши ном, илмий-маданий мерос қолдириш учун ҳузур-ҳаловатидан кечган.

Бугун-чи? Ўша буюк алломалар, улғ инсонларнинг авлодлари бўлган баъзи ёшлар улар билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш, мамлакатимизда ҳар томонлама ривожланиш, юксак марраларни забт этиш учун яратиш берилган шароитлардан унумли фойдаланиш ўрнига турмушнинг майда икир-чикирларига ўралашиб қолмаяпти? Фарзандлари тақдирига жавобгар бўлган баъзи ота-оналар бу масъулиятни нега чуқур ҳис этмаяпти?

Луқмони ҳаким фарзандига қуйидагича насиҳат қилган экан: «Ўғлим, ўзингни фақирликдан сақлаш учун ҳалол касб қилгин. Билгинки, бирор кишига фақирлик етса, унда учта хислат пайдо бўлади: динда енгилтаклик, ақлида заифлик ва мурувватсизлик. Шу учаласидан ҳам оғирроғи уни одамлар менсимай қўйишидир». Ушбу ҳикмат бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

## ВАТАНГА ФАРЗАНДЛИК ҲАҚИ...

Мамлакатимизда ҳаётда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий позициясига, юксак билим ва маънавиятга эга, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришга қаратилган миллий таълим модели ўзининг ширин медаларини бермоқда.

Бугун замонавий ахборот технологияларини бемалол бошқараётган, дунёнинг турли бурчагидаги тенгдошлари билан тиллашаётган, жаҳон фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида қатнашиб, улкан ютуқларга эришаётган, ҳар хил ихтирою тадқиқотлари билан олам аҳлини лол қолдираётган ёшларимизни кўриб, ҳавас қилади киши.

Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ўқувчилари томонидан ишлаб чиқилган «Easy Vision» деб аталувчи дастур дальнонок, яъни рангларни ажратолмайдиган инсонларга мобил телефони билан самарали фойдаланиш имконини яратди. Андронид қурилмаларга ўрнатиладиган ушбу дастур фойдаланувчини телефон функцияларида мавжуд ранглар ҳақида ёзувли ахборот билан таъминлайди. Бу ҳайдовчилар, кўз, кулоқ, бурунни даволувчи шифокорлар ҳамда ранглар муҳим аҳамият касб этувчи соҳа вакиллари учун ҳам айни муддао.

Баҳром Набиев ва Мираброр Мирзоҳидов ҳаммуаллифлигида яратилган ушбу ихтиро мамлакатимизда «BePro» дастурчилар маркази ва «Microsoft» компанияси ҳамкорлигида ўтказилган замонавий технологиялар бўйича «Imagine Cup» халқаро танловининг миллий босқичида истиқболли лойиҳа сифатида эътироф этилиб, голиб деб топилди.

— Бугун мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши учун барча шароитлар яратилган, — дейди Б.Набиев. — Бу имкониятлар худди ноз-неъматларга тўла тўкин дастурхон-у биз унинг бошида ўтириб, бу неъматлардан истаганимизга қўл чўзишимиз, хоҳлаганча тотишимиз мумкин. Бунинг ҳақи фақат шу юртга содиқ фарзанд бўлиш, элу юрт қорига яраш, Ватанимизнинг буюк келажаги учун сидқидилдан меҳнат қилиш билан тўланади.

Дилшод КАРИМОВ,  
Ўза Шарҳловчиси

## ГИМНАСТИКАЧИЛАР НАВОИЙДА БЕЛЛАШДИ

Навоий шаҳридаги «Ёшлар» спорт мажмуасида 2003-2007 йилларда туғилган қизлар ўртасида бадий гимнастика бўйича «Камолот» гунчалари мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон гимнастика федерацияси вилоят бўлими, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада туман ва

шаҳарлардан сараланган спортчи қизлар иштирок этди.

Ғолиблар беш ёш тоифаси бўйича аниқланди. Кони-мех туманидан Зарнигор Исломов, карманалик Рухшона Ибрагимова, Зарнигор Жуманиёзова, Малика Раши-

дова, Навоий шаҳридан Ҳалимабону Иззатуллаева биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Ғолиблар диплом, медаль ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Нигина САЙЛИЕВА



«Kamolot» sadosi


Чилонзор туманида жойлашган мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Соғлом ҳаёт сари олға!» шиори остида велотрек мусобақаси ташкил этилди.

## КУЧЛИ ВЕЛОТРЕКЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Иштирокчилар икки ёш тоифаси бўйича беллашдилар. Тезкор ва аниқ ҳаракатларни талаб этувчи мусобақа ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Мактаб ўқувчилари ўртасида 232-мактаб ўқувчиси Рўзибой Зокиров 22,3 секунд кўрсаткич билан биринчи ўринни қўлга киритди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида Тошкент автомобиль ва йўллар коллежи ўқувчиси Қодирбек Қосимжонов 26,5 секунд натижани қайд этиб ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Ғолиб ва фаол иштирокчилар «Камолот» ЁИҲ Чилонзор тумани кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ситора ХОЛМАТОВА



# «МАЪНАВИЙ ҲАЁТ» ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА

Халқимизнинг бой тарихи ва маданий меросини, миллий ғоямизнинг асосий тушунча ва тамойилларини, Ўзбекистонда барпо этилаётган замонавий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, ҳозирги кунда миллий ва умумбашарий қадриятларни сохталаштиришга қаратилган зарарли таъсирларнинг асл моҳиятини очиб бериш, уларга қарши самарали воситалар орқали курашиш, ёшларнинг фалсафий-мантикий тафаккур савиясини юксалтириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан «Маънавий ҳаёт» журнали таъсис этилди. Тарихий-фалсафий, маънавий-маърифий, илмий-оммабоп йўналишдаги янги журналнинг чоп этила бошланиши мамлакатимизда маънавий жараёнларга қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир намунасидир.

Журналнинг биринчи сониди тарих ва бугунги қадриятлар, адабиёт ва санъат, интернет олами, ёшлар фаолияти, маҳаллалар ҳаётидаги эзгу аъёнларга оид ва маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган айрим ҳолатларга доир, шунингдек, Шарқ ва Ғарб фалсафаси дурдоналари ҳамда жаҳон маданияти намояндалари, маданий ҳаёт янгиликлари ҳақидаги қизиқарли мақолалар ўрин олган.

«Буюклар кўп халқ бахтлидир, — деб ёзади Умид Маҳмуд ўзининг «Олимлар ила мунозараларга киришар ва кўпинча ғолиб чиқар эди...» сарлавҳали мақоласида. — Миннатдор халқ улуг фарзандларининг жасоратини, матонатини, элим-юртим деб чеккан заҳматларини ҳеч қачон унутмайди. Кўшиқ ва дostonларда кўйлаб, мадҳ этади. Улуг фарзандлар ўз тафаккури, мардлиги, матонати билан миллионлаб одамларни зул-

матдан зиёга, ёруғ келажакка олиб чиқади. Уларнинг ҳаёт йўллари, чеккан азоб-уқубатлари, энг қийин ва сокин даврларда тутган тутумлари миллат учун ибрат мактабидир».

«Ёшлар ва замон» рукнида берилган Қаҳрамон Қуронбоевнинг «Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни» номли мақоласида бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсатнинг аҳамияти, ёшлар иқтидорини жамият манфаатлари йўлида рўёбга чиқариш учун яратилаётган шароитларнинг натижалари ҳақида сўз боради.

Юртимизда, барча соҳаларда бўлгани каби маънавий-маърифий тарғибот ишларини амалга ошириш борасида ҳам самарали тизим йўлга қўйилди. Шу билан бирга, жойларда бугунги замон талабларини чуқур ҳис этмаслик, юзакилик ва бепарволик ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Мизроб Бўроновнинг «Лоқайдлик илдиз отмасин» сарлав-

ҳали мақоласида Маънавият ва маърифат кенгашилари томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан олиб борилаётган мониторинг натижалари ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Зухриддин Исомиддиновнинг «Шеърят ва маънавият оyi» сарлавҳали мақоласида Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг халқ маънавий ҳаётида тутган ўрни, ўзбек мумтоз адабиёти ривожланишига қўшган ҳиссаси таҳлил этилади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошкент врачлар мактабидан олиб чиқилган офтальмология кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори Холидjon Комилов билан «Инсон — энг олий қадрият» рукни остидаги «Кўзда кўнгли акс этар» сарлавҳали суҳбатда инсон кўзи билан боғлиқ ниҳоятда қимматли маълумотлар берилди. Мана, шундай маълумотлардан бири: «Кўз, таъбир жоиз бўлса, организмнинг ойнаси, унга қараб

инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолати, кайфияти, шашти-шиддати қандай экани, қон босимининг ҳолати ва турли касалликларни аниқлаш мумкин. Таъкидлаш керакки, қон томирлари бош мияда ҳам, юракда ҳам, кўзда ҳам ўхшаш бўлади. Буюк аллома Абу Али ибн Сино кўзни организмнинг ойнаси деб атаганида катта маъно бор».

Дунё адабиётининг забардаст вакили Габриэль Гарсиа Маркес бу дунёда ўзининг ўлмас сўзини, ёрқин хотирасини қолдириб кетди. У инсониятнинг ёлғизликка, маънан қашшоқликка юз тутиб, йўқотаётган энг қимматли бойлиги — инсоний қиёфасини қаердан топа олишини ўз асарлари орқали башорат қилиб берди. «Жаҳон маданияти» рукнидаги Икром Искандарнинг «Замону макон билмас Мақондо» сарлавҳали мақоласида жаҳонни забт этган машҳур «Ёлғизликнинг юз йили» романи муаллифи Гарсиа Мар-

кес ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилинади.

Фурури бор одам — кадр-қимматини яхши биладиган одам. Бундай одамдан ёмонлик чиқмайди, унинг сўзи билан иши бир бўлади. Бу тоифага мансуб мардумни халқимиз «таги-туғи тайин», «палаги тоза» деб таърифлаши бежиз эмас. Полвон Отабекнинг «Янги фильмлар» рукнидаги «Фурури бор одамлар» сарлавҳали мақоласида «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмасига биноан, «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Кўргим келади» ва «Хонадон эгаси» бадиий фильмлари ҳақида сўз боради. Мақолада қайд этилишича, фильмларда, асосан, халқимизга хос мардлик, фурури ва орият фазилатлари улуглангани. «Кўргим келади» фильми қаҳрамони Зиёда — муштипар она боласи учун ҳамма нарсага тайёр. Ҳатто қўли кўп жойга етадиган Муродхон аканинг қатъий шартларига ҳам кўнишга мажбур. Бошқача ай-

тганда, дилбанди учун истеъдодини сотишдан ҳам қайтмайди. Лекин бу мағрур аёл сотилмайди. Истеъдодини сотган тақдирда ҳам аёллик шаъни, фурурини асраб қолади.

Журналнинг дастлабки сониди, шунингдек, Отабек Бозоровнинг «Инсон қачон бахтли бўлади?», Абдулла Аъзамнинг «Хизр чашмаси» Анвар Аҳмедовнинг «Маслаҳати — элга мадад», Эргаш Даминаовнинг «Имом Бухорий руҳидан мадад олиб», Умидулла Сатторовнинг «Бахт ўз уйингизда», Ҳалим Саидовнинг «Ахборот хуружи...», Фарҳод Файзуллаевнинг «Миллий сайтларни кузатганда» Мирали Мирақмалов ва Муҳаммадсимоил Маҳмудовнинг «Қаршимда Ер шарин сурати турар...» мақолалари билан танишасиз.

«Маънавий ҳаёт» журнали ўз саҳифаларида маънавий ҳаётимиз манзараларини акс эттиради.

**Дилрабо  
БОЙҚОБИЛОВА**

«Osiyo chempionati — 2014»

## ОСИЁНИНГ ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА БАҲСЛАШМОҚДА

**Пойтахтимизда шахмат бўйича 12 ёшгача бўлган ўғил болалар ва қизлар ўртасида Осиё чемпионати бошланди.**

Нуфузли мусобақа Осиё шахмат федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда мамлакатимиз шахмат федерацияси томонидан ёшлар ўртасида шахматни янада оммалаштириш, спортчиларимизнинг халқро тажрибасини ошириш, ўзбек шахмат мактаби имкониятлари ва салоҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилди.

Чемпионатнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги М.Ҳожиматов, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Э.Искандаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, юксак интеллектуал салоҳият

эгалари этиб тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида спортни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда кўплаб спорт турлари қатори шахмат ҳам тобора оммалашмоқда. Ўзбек шахматчилари жаҳон ва қитъа чемпионатлари, турли нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб, юқори натижаларга эришмоқда. Шахматчиларимиз Осиё чемпионатларида қўлга киритаётган медаллари йил сайин ортиб бормоқда.

2012 йилнинг июнь ойида пойтахтимизда илк маротаба 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз учта кумуш ва битта бронза медални қўлга киритди. Шри-Ланканинг Хиккадува шаҳрида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионатида

ФИДЕ устаси Темур Игонин биттадан кумуш ва бронза медал билан тақдирланди.

2013 йили Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида 20 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасидаги Осиё чемпионати доирасида ўтказилган блиц-турнирда Сарвиноз Курбонбоева бронза медалига сазовор бўлди. Эронда ўтказилган қитъа чемпионатида шахматчиларимиз учта олтин, иккитадан кумуш ва бронза медал ҳамга эришди. Чемпионатда бир йўла учта олтин медални қўлга киритган Исламбек Синдоронинг истеъдоду маҳорати мухлис мутахассислар томонидан юксак баҳоланди.

Шри-Ланкада мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган IX Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бешта олтин, учта кумуш ва битта бронза медални қўлга киритди.

Шахматчиларимизнинг бундай ютуқлари жаҳон миқёсида



ЎЗА фотомухбири Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат

ҳам мунтазам ошиб бораётгани қувонарлидир. Яқинда Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ака-ука Исламбек ва Жавоҳир Синдорон иккитадан олтин медални қўлга киритиб, Ўзбекистон ёшларининг ақл-заковати, истеъдод ва салоҳиятини бутун дунёга намоён этди.

— Ўзбекистонда шахмат бўйича йирик спорт анжуманларини юқори савияда ташкил этиш яхши анъанага айланган, — дейди ливанлик ҳакам Илс Хайрулло. — Ўзбек шахматчиларининг халқаро майдонлар-

даги ғалабалари ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар бўлиб-воёга етиши учун кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Пойтахтимизда бошланган Осиё чемпионатида 200 нафарга яқин шахматчи ғолиблик учун дона сурмоқда. 28 июнга қадар давом этадиган мусобақада Исламбек ва Жавоҳир Синдорон, Нодирбек Абдусатторов, Лобар Раҳматжонова ва Дилбар Ҳамроева сингари истеъдодли ёш шахматчилар мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,  
ЎЗА мухбири**



Yoshlar festivallari davom etadi

# ЁШЛИК ҚАЛБИМИЗДА БЕРАДИ САДО

Сирдарё вилоятида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди

**Фестиваль вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида кўтаринки руҳда ўтказилди. Уч кун давом этган учрашув, спорт мусобақалари ва бошқа ўнлаб тадбирларда қарийб ўттиз минг нафар йигит-қиз иштирок этди.**

Таъкидлаш керак, юртимизда бир неча йиллардан буён ўтказиб келинаётган ёшлар фестиваллари ёш авлод вакиллари маънавий юксалиши, мамлакатимизда кечаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларни тушунтириш ва тарғиб қилиш, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимидаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш, фаол ва етакчи ёшларни рағбатлантириш, юртимизнинг узоқ-яқин ҳудудларида истиқомат қилувчи иқтидорли ёшларни излаб топиш, Ватанга муҳаббат ва тинчликка шукроналик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Жорий йилги фестиваль ранг-баранг лойиҳалар билан ёшлар қалбида муҳрланди. Хусусан, Адлия вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Савдосаноат палатаси ҳамкорлигида жойларда ёшларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларга муносабатини шакллантириш, уларда ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш мақсадида бу борадаги тегишли қонун ҳужжатларининг тарғиботи олиб борилди. Айниқса, ёшлар «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида», «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат», «Оила» ва «Жиноят» кодексларининг юртимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, жамиятимизда оила институтининг мустаҳкамлашдаги аҳамияти хусусида мутахассислардан батафсил маълумот олдилар. Бу йўналишдаги давра суҳбатлари, семинар ва тренингларга депутатлар, сенаторлар, ҳуқуқшунослар тақлиф қилиниб, мактаб ўқувчилари, академик лицей ва

касб-хунар коллежлари битирувчилари жалб этилди.

Фестиваль давомида мамлакатимизда қабул қилинган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида «Виждонли сотувчи» акцияси ташкил этилди. Акция доирасида Давлат солиқ инспекцияси ва ички ишлар органлари вакиллари билан биргаликда ҳар бир туманда спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотлари сотилувчи дўконлардаги аҳвол ўрганилди. Қонун бузилиш ҳолатлари эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари томонидан қайд этиб борилди. Эътиборлиси шундаки, «Виждонли сотувчи» акциясида нафақат «Камолот»чи ёшлар, балки фестивалларда иштирок этаётган тарғибот гуруҳи вакиллари билан санъаткорлар ҳам қатнашиш имконига эга бўляпти.

Ёшлар фестивали дастурига киритилган спорт тадбирлари ҳам ўзига хос ва қизиқарлидир. Масалан, сайхунободлик ёшлар «Биз соғлом турмуш тарзи тарғибдоримиз!» лойиҳаси билан бир қаторда кураш мусобақасига ҳам гувоҳ бўлишди. Туманда, шунингдек, «Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси» лойиҳаси доирасида ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини, «Сиз севган қахрамонлар» ва «Замонамиз қахрамонлари» мавзуларида киноактёрлар ҳамда эстрада хонандалари билан ижодий учрашувлар, «Мустақиллик фарзандлари» деб номланган концерт дастури ташкил этилди. Таниқли санъаткорлар



ҳамда «Камолот»чилардан ташкил топган жамолар ўртасидаги қизғин футбол ўйини эса ҳаммада ёрқин таассуротлар қолдирди.

— «Камолот»га аъзо бўлганимдан буён ўзимда-

ни кенг тарғиб этиш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш масъулияти уларнинг зиммасида эканини тушунтириш орқали ёшлар ўртасида боқимандалик кайфиятини йўқотиш ҳамда ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишлар тарғиботига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳамкорлигида шоир ва ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, хонандалар, рассомлар, спортчилар, эл ардоғидаги машҳур инсонлар иштирокида маънавият кечалари, учрашувлар ҳамда фильмлар намойишлари ташкил этилди.

«Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти» мавзуидаги тарғибот лойиҳасида онгимизга яширин тарзда таъсир этаётган «оммавий маданият» ниқоби остидаги ёт ғояларнинг миллий менталитетимизга зидлиги, диний эстремистик оқимларнинг асл мақсади малакали сиёсатшунос, тарихчи ва психологлар томонидан ёшларга тушунтирилди.

Сирдарё вилоятида ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш этилган «Ватан тараққийига менинг ҳиссам» кўرғазмаси фестивал дастуридаги яна бир ёрқин лойиҳа бўлди. Унга кўнраб касб-хунар коллежлари битирувчилари жалб этилиб, ёшлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида ўз бизнесини бошлаган тенгдошларининг муваффақияти, тадбиркор бўлиш учун босиб ўтган йўли, ёш тадбиркор бўлиш сирлари ҳақида кўрғазма иштирокчиларидан эшитиб, хулоса чиқаришди.

Фестиваль доирасидаги тадбирлар вилоятнинг олис ҳудуд-

ларига киради кириб борди. Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари, туман ва шаҳарчалар, корхона ва ташкилотларда — ҳамма жойда ёшлик байрамнинг шукуҳи кезиб юрди. Ҳеч ким эътибордан четда қолмади: ўқувчи ва талабалар ҳам, маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар ҳам, меҳнат жамоаларидаги ёш ишчи ва ходимлар ҳам.

Фестивалнинг учинчи кунда излаб сирдарёлик ёшлар Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт саройининг ўйингоҳига йиғилди. Якуний гала-концерт бошланишидан аввал лойиҳада фаол иштирок этганлар «Энг фаол ёш маънавият тарғиботчиси», «Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси», «Энг яхши экология билимдони» каби қатор номинациялар бўйича Ҳаракат ва ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Шу кунларда сўз билан етказиб бўлмас кўтаринки кайфиятда юрибмиз, — дейди «Камолот» ЁИХ Сирдарё вилояти кенгаши қошидаги «Ёш журналистлар» клуби аъзоси, «Сайхун зиёси» газетаси маҳсус муҳбири Маъсуда Жўрақулова. — Ёшларнинг юзида акс этган қувонч кўриб шундай дорилломон кунларда, хур ва мустақил диёрда яшаётганингдан янада шукроналик туясан, киши. Пойтахтдан келган бир гуруҳ санъаткорлар, депутат ва олимлар уч кун давомида вилоятимиз ёшлари билан бир муҳитда яшашди. Қанчадан-қанча таълим, маданият масканлари, маҳаллаларда бўлиб, турли масалаларда ёшларнинг фикрини уйғотишди. Муҳими, биз ана шу фестиваль баҳонасида вилоятимизда жуда кўп иқтидор эгалари борлигига амин бўлдик. Барча ташкилотчиларни ажойиб лойиҳа билан табриклайман ва сирдарёликлар номидан раҳмат айтаман.

**Элёр Жўраев.**  
Рустам Назарматов  
олган суратлар.



ги иқтидор ва салоҳиятни юксак мақсадлар йўлида сарфлашим кераклигини теранроқ англадим, — дейди сайхунободлик тенгдошимиз Гулҳаё Эрназарова. — Ҳаракатнинг туман кенгаши томонидан ўтказилаётган турли анжуман, ўқув-семинарлари, давра суҳбатлари-ю байрам тадбирларида фаол иштирок этишга ҳаракат қиламан. Бугунги фестиваль биз, ёшларни дўстлаштирди. Бундан жуда хурсандман.

Фестивалда ёшларни «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларидан асраш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, давлатимиз томонидан ёшларга яратилган имконият ва шароитлар-



## «Kamolot» hududi

# «БИЗНЕСМЕНЛАР» — БИРИНЧИ

*Тошкент давлат иқтисодий университетиди «Оммавий маданият» ва ёшлар мавзусида «Қувноқлар ва зукколар» беллашуви бўлиб ўтди. Тадбир таълим муассасасидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич таълим ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилди. Унда факультетлардан еттита жамоа қатнашиб, учта шарт бўйича ўзаро беллашди.*

Таништирув шарида талабалар актёрлик маҳорати ва ижодий қобилиятини ишга солган бўлса, иккинчи шартда «оммавий маданият»нинг салбий оқибатлари, шунингдек, ёшларнинг кийиниш, муомала, овқатланиш маданияти ҳақидаги тарбиявий аҳамиятга эга саҳна кўришлари билан чиқишди. «Камолот»ни қўлайман» шарида эса иштирокчилар ўзлари тайёрлаган бадиий-музикавий композициялари-

ни тақдим этишди.

Жамоаларнинг чиқишлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди. Шартлар орасидаги танаффусларда хонандалар: Дилшод Холиқов, Шерзодбек Ортиқов, Воҳиджон Исоқов ва «Манго» гуруҳи томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

Беллашув натижасига кўра, бизнес факультетининг «Бизнесменлар» жамоаси биринчи, менежмент

факультетининг «Войвод» жамоаси иккинчи, ахборот технологиялари ва статистика факультетининг «Антивирус» жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди. Фолиб жамоа «Камолот» кубоги» билан тақдирланди. Қолган жамоаларга фахрий ёрликлар топширилди.

Шунингдек, «Гап йўқ» жамоаси (банк иши факультети) аъзоси Шариф Абдуллаев «Энг фаол иштирокчи талаба-йигит» ҳамда «Иқтисод юлдузлари» жамоаси (иқтисодий факультети) аъзоси Саодат Мухаммедова «Энг фаол иштирокчи талаба-қиз» номинациялари бўйича фолиб бўлди.

**Азизбек АМОНОВ,**  
**ТДИУ «Камолот» ЁИХ**  
**бошланғич ташкилоти етакчиси**

## Bandlikka ko'mak

# БИТИРУВЧИ ИШГА ТАЙЁР

*Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш юртимизда долзарб масала бўлиб қолмоқда.*

Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманида айни вақтда ўн та касб-ҳунар коллежи мавжуд. Бу йил ушбу таълим муассасаларини 3932 нафар ўқувчи битиради. Улардан 1915 нафарини қизлар ташкил этади. Тумандаги 1182 та каттакич корхоналар билан уч томонлама шартномалар тузилиб, йигит-қизларнинг асосий қисми иш билан таъминланмоқда.

Педагогика-иқтисодий коллежи директори Нормўмин Абировнинг таъкидлашича, ўтган йили 478 нафар битирувчидан 296 нафари тумандаги мактабгача таълим муассасалари, фермер хўжаликлари ва корхоналарга ишга жойлашган.

— Жорий ўқув йилида коллежини тамомлаётган 469 нафар битирувчини доимий иш билан таъминлаш бўйича чора кўряпмиз. Уларнинг аксарият қисми ҳозирга қадар иш жойини аниқлаб олган, — дейди Нормўмин Абиров.

Қарши вилоятнинг аҳоли зич жойлашган туманларидан. Унда олти касб-ҳунар коллежи жой-

лашган. 2420 нафар коллеж ўқувчиси ўқишни битириш арафасида. Улар тумандаги 726 та корхонага ишга жойлаштириш имкониятига эга. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган битирувчиларга бу йил банклар томонидан 444,2 миллион сўм кредит ажратиш режалаштирилган.

Қарши туманида олти та касб ўргатиш курси ҳам ташкил этилган. Уларда 806 нафар ўғил-қиз турли соҳаларда малака ошириди. Қирқ олти нафар коллеж битирувчисига 73,8 миллион сўм кредит ажратилди.

— Жорий ўқув йилида коллежимизни 340 нафар ўғил-қиз битиради, — дейди Қовчин қишлоқ хўжалиги коллежи директори Мейли Боқиев. — Аксарияти меҳнат фаолиятини амалиёт ўтаган корхона ва муассасаларда бошлаш истагиди.

Шунингдек, Бешкент қишлоқ хўжалиги, Мирмирон сервис, тадбиркорлик ва иқтисодий, Хушвақт агробизнес, Ҳилол агросаноат касб-ҳунар коллежлари-



да ҳам битирувчиларни иш билан тўлиқ таъминлашга ҳаракат қилинмоқда.

Шаҳрисабз, Фузур, Косон, Яққабоб, Муборак, Касби, Миришкор, Чироқчи туманлари ва Қарши шаҳрида ҳам ёшларнинг бандлигини таъминлаш соҳасидаги саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бермоқда.

Бу йил Қашқадарёда 130 та касб-ҳунар коллежини 121 мутахассислик бўйича 44869 нафар ўқувчи битиради. Улар амалиёт даврида ўзлари бириктирилган 13504 та корхона, ташкилот ва муассасада ишлаш учун йўланма олдидилар, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Зафар Қобиллов.

Эътиборли жиҳати шундаки, тадбиркорлик фаоли-

яти билан шуғулланиш истагини билдирган ёшлардан 1156 нафарига тижорат банклари томонидан 9,5 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Ҳозирга қадар улардан 148 нафари (шундан 51 нафари қизлар) 2 миллиард 875 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида йил давомида «Очиқ эшиклар куни», «Мен орзу қилган касб» каби мавзуларда қизиқарли тадбирлар ўтказилиб, битирувчиларнинг касбий қизиқиши, лаёқати ўрганилди. Бу борада ота-оналар, маҳалла фаолларининг фикр-мулоҳазалари ҳам тингланяпти.

**Шавкат КАРОМОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

## Kichik tadqiqot

# ВИЗУАЛ МАЪЛУМОТЛАР ИШИМИЗНИ ОСОНЛАШТИРАДИ

*Маълумотлар базаси деганда тасаввуримизда электрон маълумотлар омбори гавдаланади. Унда турли соҳага оид жадваллар, ҳужжатларнинг электрон кўринишлари сақланади. Айни пайтда виртуал маконда маълумотларни визуал шаклда сақлаш амалиёти кенг қўлланилмоқда.*

Аваллабор, визуализация тушунчасига тўхталсак. Визуализация маълумотлар базасидан маълумотлар излаш, ишлаш ва уларни таҳлил қилиш демакдир. Визуализация орқали виртуал маконда керакли маълумот ҳақида етарли ахборотга эга бўлишимиз мумкин. Шунингдек, одатда визуализация пайтида фойдаланувчи кўплаб сурат ва жадвалларга дуч келади. Маълумки, инсон онги визуал ахборот, яъни жадвал ва суратли маълумотларни тез қабул қилади ва анча вақтгача хотирада сақлайди. Устига устак бирор маълумот қиди-

рилганда, у маълумотлар омборидан топилмаса, сўралаётган мавзуга яқин бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Одатда веб-сайтлардаги матнларда биринчи бўлиб мундарижа эътиборни тортади. Агар фойдаланувчига сарлавҳа, тагсарлавҳа ва изоҳлар маъқул бўлса, у матнга эътибор қаратади. Зеро, сарлавҳа, асосий матннинг ярми саналади. Статистик маълумотларга қараганда, инсон мияси визуал ахборотни матнли ахборотга нисбатан олти марта тез қабул қилади. Расмлар эса бу кўрсаткични яна ўн мартаба оширади.

Технологияларнинг кундан кунга тараққий этиши, маълумотлар йиғиш ва сақлашни анча осонлаштиради. Маълумот керакли пайтда тез ва осон топилса, унинг қиймати ошади. Фойдаланувчиларнинг иши янада осонлашади. Бугунги тезкор даврда вақт айниқса танқис. Ундан тўғри фойдаланиб, мақсадли сарф этсак, кутганимиздан аъло натижага эришамиз.

**Камола ФАЙЗУЛЛАЕВА,**  
**ЎЗМУ талабаси**



## Ҳамёнбоп шаҳарлар

Вьетнамнинг Ханой шаҳри дунё бўйича туристлар учун энг арзон жой дея эътироф этилди.

Сўровномада дунёдаги етакчи сайёҳлик агентликлари иштирок этди. Мамлакат пойтахтидаги тўрт юлдузли меҳмонхонада бир кеча тунаш, аэропортдан меҳмонхонага ва меҳмонхонадан аэропортга такси ёллаш, беш юлдузли ресторанда тушлик ҳамда кечки овқат қилишнинг барчаси 155,3 АҚШ долларига тушади. Таққослаш учун: Европада худди шу хизматлар учун 1185 АҚШ доллари сарфлайсиз. Рўйхат давомидан қуйидаги шаҳарлар ўрин олган: Жакарта (161 АҚШ доллари), Шарм-аль-Шайх (162 АҚШ доллари), Бангкок (164,7 АҚШ доллари), София (190,5 АҚШ доллари), Кейптаун (193,5 АҚШ доллари), Мумбай (193,7 АҚШ доллари), Куала-Лумпур (198,7 АҚШ доллари), Прага (200,7 АҚШ доллари), Будапешт (203,4 АҚШ доллари). Энг қиммат шаҳар эса Лондон ҳисобланади.

## Хотамтой миллиардер

Хитойлик миллиардер Чэнь Гуанбяо минг нафар америкаликни Нью-Йорк марказий боғида тушлик қилишга таклиф қилди.

Миллардернинг айтишича, бу билан у хитойлик бойлар ҳақидаги америкаликларнинг тасаввурини ўзгартириш ҳамда хотамтойлик намунасини кўрсатишни мақсад қилган. 25 июнь куни бўлиши кутилаётган ушбу акция ҳақидаги эълон мамлакатнинг барча газеталарига жойлаштирилди. Меҳмонларга бепул таом билан бирга ҳар бирига уч юз АҚШ доллари тарқатилади. Эвазига улар Чэнь ижросидаги We Are The World кўшиғига жўр бўлишлари керак.

## Сувга фарқ бўлди

Малайзия яқинидаги Молукка бўғозида фалокатга учраган сув кемаси қурбонлари сони тўққизга етди.

Қутқарувчилар томонидан олти миш бир нафар йўловчи қутқариб олинган. Селангор полицияси раҳбари Абдул Самаҳ Матнинг сўзларига қараганда, кема кўпи билан қирқ йўловчи билан сузишга мўлжалланган эди, аммо унга керагидан ортиқ юк ортилган. Эслатиб ўтамиз, бундан бир неча ҳафта олдин ҳам Индонезиядан сузиб келаятган кема Малайзия қирғоқларида ҳалокатга учраган ва бунинг натижасида икки киши ҳалок бўлган эди. Мутахассисларнинг фикрича, кетмакет юз бераётган ҳодисалар мамлакат сув транспортига эътиборни оширишни талаб қилади.

## «Nokia»ни қўрқитган хакерлар

2007 йилда хакерлар «Nokia» компаниясига бир неча миллион евро зарар етказгани маълум бўлди.

Фирибгарлар дастурлар ёзиш учун қўлланилувчи Symbian операцион тизимининг шифрлаш калитини қўлга киритган. Ўғирланган маълумот бир неча килобайтни ташкил этса-да, унинг аҳамияти компания учун бебаҳодир. Товламачилар ушбу шифр калит ёрдамида турли зарарли дастурлар ишлаб чиқиш билан компанияни қўрқитган. «Nokia»га ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам ёрдам бера олмади. Ўғриллар ҳамон қидирувда.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

# 1360 ТА ЖАМОАНИ БИРЛАШТИРГАН КУБОК

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

— Мусобақанинг туман ва шаҳар босқичларида 1360 та академик лицей ва касб-хунар коллежидан йигирма минг нафардан ортиқ ҳаваскор футболчи иштирок этди, — дейди «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгашининг спорт лойиҳалари бўлими мудир Умид Ражабов. — Худудий босқичда 193 та жамоа, худудлараро минтақавий босқичда эса йигирма битта академик лицей ва касб-хунар коллежлари жамоаси ўзаро куч синашди. Мусобақанинг якуний финал босқичига эса бешта — Нукус Олимпия захиралари коллежи, Термиз саноат ва транспорт коллежи, Фарғона саноат коллежи, Жиззах туман маиший хизмат ва иқтисодиёт коллежи, Олмазор политехника коллежи жамоалари етиб келишди. Улар 16-20 июнь кунлари «Пахтакор» футбол клубининг «Чилонзор» ўйингоҳида куч синашди. Хужумкор, тезкор ва чиройли голларга бой бўлган учрашувлар сўнггида Олмазор политехника касб-хунар коллежи жамоаси тўққиз очко билан,

Жиззах туман маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи жамоаси эса етти очко билан финалга чиқишди.

Жиззахлик футболчилар ўйин бошидаёқ тезкор хужум уюштириб, рақиб дарвозасига бир неча хавфли зарбалар йўллашди. Айниқса, 13-рақам остида майдонга тушган Бекзод Сафаровнинг зарбаси анча хавфли тус олди. Тез орада тошкентлик футболчилар ҳам ўзларига келиб, қарши хужумлар уюштирди. Бир-биридан шиддатли ва хужумкор ўйин намойиш этган жамоалар ҳисобсиз танаффусга чиқишди.

Иккинчи таймда ҳам Жиззах туман маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи жамоаси рақиб жарима майдонида хавфли вазиятларни яратишди. Бироқ, тошкентлик дарвозабон Бобур Раҳимов ишончли ўйин кўрсатди. Аста-секинлик билан устунликни ўз қўлига олган тошкентлик футболчилар иккинчи таймининг ярмида ярим ҳимоячи Аббос Тўлқинов киритган гол эвазига ҳисобда олдин-

га чиқиб олди. Шундан сўнг ўйин янада шиддатли тус олди. Орадан кўп вақт ўтмай, Жиззахлик футболчилар дарвозасига пеналти белгиланди. Бобоҳон Равшанов киритган гол Олмазор политехника касб-хунар коллежи жамоасига иккинчи очкони келтирди. Бундан Жиззахлик футболчилар тушқинликка тушмади, аксинча, хужумкор ўйинлар намойиш этди. Ўйиннинг 20-дақиқаларида Жиззах туман маиший



хизмат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи жамоаси аъзоси Ҳусан Кўчқоров ҳисобни қисқартирди — 2:1. Бундан руҳланган Жиззахлик футболчилар янада хужумкор ўйин намойиш этиб, бир қатор қулай вазиятларни юзага келтирди, лекин кутилган натижа қайд этилмади. Иккинчи таймининг 25-дақиқасида Олмазор политехника коллежи жамоасининг 10-рақамли хужумчиси Абдувоҳид Абдукаримов рақиб дарвозасини қўриқлаётган Ҳасан Кўчқоров билан яқма-яқка чиқиб ҳисобни 3:1 га етказди. Таблодаги бу рақам ўйин охирига қадар ўзгармади.

Шоҳсупага мусобақа ғолиблари тақлиф этилди. Учинчи



ўринни қўлга киритган Фарғона саноат касб-хунар коллежи жамоасига бронза, иккинчи ўрин соҳиби бўлган Жиззах туман маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-хунар колле-

дан Темур Саидов «Энг кўп тўпурар» номинацияси соҳибдорларига сазовор бўлди.

— Жиззах туман маиший хизмат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежи жамоаси таркибида кучли ўйинчилар кўп, — дейди Олмазор политехника касб-хунар коллежи жамоаси сардори Темур Саидов. — Ўйин биз учун қийин бўлишини билардик, бироқ мураббийимиз Суннатилла Абдурашуловнинг кўрсатмалари ва жамоавий ўйинимиз бизни ғалабага етаклади. Бундай нуфузли стадионда, минглаб футбол муҳлис-лар кўз ўнгига тўп суриш ва ғалаба қозониш мен учун катта бахт. Бундай мусобақани ташкиллаштираётган ташкилотчиларга барча жамоа номидан миннатдорлик билдираман. Бу каби мусобақалар биз, ёшлар орасида янада кўпроқ ўтказилишини истаймиз.

Кубок соҳиби бўлган жамоа стадион узра ғалабани нишонлай бошлади. Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитова ҳамда ёшларнинг севимли эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар эса барчага байрам шуқуҳини улашди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» муҳбири.  
Рустам Назарматов  
олган суратлар.



Фото, сурат	→		↙		↘	Фанлар академияси (аббр.)	↖	Суюқ шоколад	↗		↘
Йўловчи ташвиш транспорт		Теннисчи «курал»		... Сигал (актёр)	↗	Лаҳза, пайт	↖	Телеграф алафибоси		Гуруч қушандаси	↘
↙				Лаҳза, пайт	↖	Парда илғич	↗				Қўшалақ шоколад
Киракаш машина		Корея пули	→		↘		↖	Электр ярим ўтказич		Шинна «пие́ла», қадаҳ	↘
↙				Консулар чувалчанг	↗		↖				Тропик қовун
Марк ... (ёзувчи)	→				↘		↖				
Қиёфа, сиеқ		Атиргуд (русча)		Беллашув, турнир	↗	Шарҳ, Украина	↖		Ичимлик		Кўмир ранги
↙				Кийим урфи	↗		↖				
Мозель дарёси ирмоғи		Тўрт томони сувли ер	→		↘	Магазин, маркет	↖				
↙				Маржон	↗		↖	Вир ва ... (кино)	→		
... Несин (ҳажвчи)		Қадимги чўт	→		↘	Қириқ эпоси	↖				

Тузувчи: Нигора ТОШЕВА

## «TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув **2014 йилнинг 1 июль** кун «Камолот» ЕИХ Сирдарё вилояти кенгаши раиси **Лазизбек Аҳмедов** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва тақлифларингизни [savol@turkiston.uz](mailto:savol@turkiston.uz) электрон манзили ёки (+99871) 233-79-69 телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва тақлиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Ўз позициянгизни намойиш этишга шошилинг.

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

«Шарқ Рафаэли» деб эътироф этилган қайси улуг мусаввир бобомиз миниатюрада ўзига хос улус яратган?

Жавобингизни **24 июнь** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган муҳлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: **Муроджон Аҳмедов.** Тўғри жавобни биринчи бўлиб Тошкент шаҳридан Қобилбек Каримбеков ва асакалик Ёдгорбек Абдувалиев йўллади.

## YONDAFTARCHANGIZGA

Инсоннинг қалби ва ақли ҳам худди она тили каби Ватан тимсолидир.

**Франсуа де Ларушфуко**